

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.SS/TAR.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВА ЗИЛОЛА ҒУЛОМИДДИН ҚИЗИ

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯ АСОСИДА ДАВЛАТ ИЖОБИЙ
ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ
(Япония ва Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида)

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по политическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor
of Philosophy (PhD) in Political Science**

Касимова Зилола Гуломиддин қизи

Маданий дипломатия асосида давлат ижобий имижини
шакллантириш жараёнлари (Япония ва Хитой Халқ Республикаси
тажрибаси мисолида)..... 3

Касимова Зилола Гуломиддин қизи

Формирование позитивного имиджа государства на основе
культурной дипломатии (на примере опыта Японии и Китая)..... 27

Kasimova Zilola Gulomiddin kizi

Formation of a positive image of the state based on cultural diplomacy
(based on experience of Japan and China)..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/30.12.2019.SS/TAR.21.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАСИМОВА ЗИЛОЛА ҒУЛОМИДДИН ҚИЗИ

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯ АСОСИДА ДАВЛАТ ИЖОБИЙ
ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ
(Япония ва Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида)

23.00.04 – Халқаро муносабатлар, жаҳон ва минтақа тараққиётининг
сиёсий муаммолари

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ss94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джумаев Рустам Зиятович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Нарзулла Касимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Умаров Хайрулла Пайзуллаевич
сиёсий фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc/03/30.12.2019/Ss/Tar.21.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (998971) 233-52-24.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____-рақамли реестр баённомаси).

Э.С. Султонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

А.Н. Назаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори

Н.А. Касимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси, сиёсий
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб, жаҳон сиёсатида маданият омили «юмшоқ куч» сифатида халқаро майдондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ва халқаро муносабатларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан турли давлатлар ижобий имижини шакллантиришда ўзининг маданий дипломатиясига алоҳида эътибор қарата бошлади. Чунки маданий дипломатия ташқи сиёсатнинг воситаси сифатида хорижда давлатнинг ижобий имижини мустаҳкамлашга, давлатлар, жамоат ташкилотлари ва одамлар ўртасида узоқ муддатли барқарор муносабатларни ўрнатишга, иқтисодиёт соҳаларини ривожлантиришга ҳамда давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдам беради. Мамлакатнинг ижобий имижини халқаро майдонда давлатнинг ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ бўлган кенг кўламли муаммо бўлиб, у халқаро рақобат муҳитида муваффақиятли яшаш ва ривожланишнинг муҳим омили, шунингдек, миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан бири сифатида тушунилади.

Дунёда фан ва техниканинг гуллаб-яшнаши, савдо-сотикнинг эркинлашуви, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг интеграцияси шароитида ривожланган мамлакатлар маданий дипломатия асосида давлат имижини шакллантиришда «юмшоқ куч»ни ўзининг ташқи сиёсий стратегиясига киритиб, ундан давлат имижини оширишда самарали фойдаланишга интиломоқда. Хусусан, жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олган, лекин миллий ўзлигини йўқотмаган Япония ва Хитой ҳам ўз тарихий ривожланиши давомида Ғарб цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, ўз миллий маданиятини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Шу жиҳатдан, Япония ва Хитойда амалга оширилган маданий, сиёсий ва иқтисодий модернизация тажрибасини ўрганиш, ундан оқилона ва ижодий фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларида маданий дипломатия воситасида давлат ижобий имижини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири, уни амалга ошириш методологиясини тадқиқ этиш эса долзарб илмий муаммо эканлигини эътироф этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг таъкидлашича: «Мамлакатимиз ва халқларимиз ўртасида маданий-гуманитар алоқалар, дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш лозим. Биз фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни «халқ дипломатияси»нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш тарафдоримиз»¹. Дарҳақиқат, республикамызда фаол «халқ дипломатия»си асосида хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг турли соҳаларидаги ютуқлари мазмуни ва моҳиятини тарғиб қилиш билан юртимизнинг

¹ Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2018, – Б. 272.

ижобий имижини шаклланиши олиб борилаётган ташқи сиёсатимизнинг аҳамиятли жиҳати сифатида намоён бўлмоқда.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳаси² ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш³ зарурлиги қайд этилиб ўтилган. Ушбу ҳужжатларда ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» дастури доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунга келиб, мамлакатимизда сиёсатшунослик фанида мустақил Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва фаолиятини ўрганишга бағишланган илмий изланишлар ва илмий нашрлар доираси кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон мустақиллигининг тарихий аҳамияти ҳамда давлатлараро муносабатларнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари, ташқи сиёсий-иқтисодий стратегиясининг муайян вазифалари, халқаро ҳамкорлик жараёнининг методологик асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев⁴ маъруза ва нутқларида очиқ берилмоқда. Бу масалаларнинг алоҳида жиҳатлари таҳлили билан олимлардан: Р.З. Джумаев, Н.Қ. Жўраев, С.А. Жўраев, У.Ю. Идилов, А.М. Касимов, Н.А. Касимова, Р.Ф. Фармонов, А.А. Шарапов⁵ ва бошқалар шуғулланишган.

² Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (бета-версия) URL: <https://regulation.gov.uz/uz/document/10375>

³ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida. URL: <https://lex.uz/docs/-3107036>

⁴ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.:Ўзбекистон, 2017. – 403 б.; Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Т.:Ўзбекистон, 2018. – 507 б.; Мирзиёев Ш.М. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.:Ўзбекистон, 2019. – 396 б.

⁵ Джумаев Р.З. Давлат ва жамият демократлаштириш йўлида. – Т.:Шарқ, 1998. – 207 б.; Жўраев Н.Қ. Тафаккурдаги эвристик. Истиклол изтироблари ва қувончлари ҳақида мулоҳазалар. 2001. – 240 б.; Жўраев С.А. Узбекистан: фактор роста международного имиджа.

URL:<http://pv.uz/ru/newspapers/uzbekistanfactory-rosta-mezhdunarodnogo-imidzha>.; Idivov U.Yu. The development of modern innovative foundations of democracy is a key factor in enhancing opportunities for sovereign political development. URL:https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss1/5/; Касымов А.М. Внешнеполитические ориентиры Республики Узбекистан. – Т., 2000. – 120 с.; Касымова Н.А. Иностранная помощь и развитие в условиях глобализации// Вестник МГИМО университета. – 2011. – № 6.; Фармонов Р.Ф. Халқаро муносабатлар тарихи – Т., – 2014.; Шарапов А.А.

Ўзбекистоннинг халқаро социомаданий маконга интеграциясининг алоҳида жиҳатлари: Г.А. Табак, Н.Т. Умарова, А.Х. Хайдаров⁶ ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Оммавий дипломатиянинг хусусиятлари ва имкониятлари Ш.Ш. Таджиев, А.А. Файзуллаев⁷ нинг интернет саҳифалари ва илмий журналларда эълон қилинган мақолаларида ёритилган. Маданий дипломатия тушунчаси Ўзбекистон учун янги соҳа бўлиб, бу мавзу С.А. Пулатова, Д.Б. Сайфуллаев⁸ нинг илмий тадқиқот ишларида ва мақолаларида таҳлил этилган.

Ўзбекистон – Хитой ва Ўзбекистон – Япония муносабатлари ҳам қатор олим ва тадқиқотчиларнинг, жумладан М. Абдуллаева, С.Ш. Азизов, И.Н. Бекмуратов, У. Дўстов, З.А. Зарипова, Н.Э. Каримова, А.Х. Саидов, Х.П. Умаров⁹ лар томонидан илмий таҳлил этилган.

Жаҳонда маданий дипломатияни давлат ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида ўрганаётган замонавий олимларнинг сони кўпаймоқда. Мазкур масалалар жумладан, Е.В. Василенко, В.М. Скрипкарь, Г.И. Цвик, Алехандро Сикеирос, Ху Юэ, Эрик Пажтинка¹⁰ ларнинг тадқиқотларида таҳлил этилган.

Хорижда маданий глобаллашув масалаларига бағишланган кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишлари мавжуд. Жумладан, В. Грейдер, К. Омаэ,

Государства Азиатско-тихоокеанского региона в системе международных отношений Республики Узбекистана. Автореф. дисс... канд. полит. наук. – Т.: ЖИДУ, 2008. – 27 с.

⁶ Табак Г.А. Роль культурных и исторических традиций во внешней политике Узбекистана. Автореф. дисс... канд. полит. наук. – Т.: 2004. – 24 б.; Умарова Н.Т. Жамият сиёсий маданиятининг шаклланишида этник феъл-атвор стереотипларнинг ўрни (Ўзбекистон миллати мисолида): Автореф... сиёсий фан номзоди дисс. – Т.: 1998. – 25 б.; Хайдаров А.Х. Ўзбекистон жамияти сиёсий маданиятида миллий-маънавий кадрларнинг ўрни. Автореф... сиёсий фан номзоди дисс. – Т.: 2005. – 26 б.

⁷ Таджиев Ш.Ш. Публичная дипломатия как важная составная часть «мягкой силы» // Международные отношения: политика, экономика, право. – 2018. – №1. – С. 74-87.; Файзуллаев А.А. Публичная дипломатия на службе национальных интересов // Газета.uz. 5 августа 2017.

URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2017/08/05/public-diplomacy/>.

⁸ Pulatova S.A. Entry into the international cultural space and formation of cultural diplomacy of the Republic of Uzbekistan in the years of independence // Tajikistan and Cultural Diplomacy in Central Asia & Eurasia GCRF COMPASS Conference proceedings. Tajik National University, – 2019. – P.39-45.; Сайфуллаев Д.Б. Ўзбекистон Республикаси маданий дипломатиясининг шаклланиши ва ривожланиши. Автореф. тарих фанлари доктори дисс. – Т.: 2020. – 97 б.

⁹ Абдуллаева М. Узбекистан в ШОС: время народной дипломатии // Международные отношения: политика, экономика, право. – 2018. – №2. – С.16-29.; Азизов С.Ш. Приоритетные направления внешней политики Японии: Маг. диссерт. – Т.: Академия, 1998.; Бекмуратов И.Н. Хитойнинг ташқи сиёсат фалсафаси ва амалиёти // Sharqshunoslik. – 2018. – №4. – Б.75-84.; Дўстов У. Замонавий ўзбек-хитой муносабатлари (2010-2018).

URL: <https://uzanalytics.com/xalqaromunosabat/3946/>; Зарипова З.А. Международные и национальные аспекты политической модернизации (на примере Японии). Автореф. дисс... канд. полит. наук. – Т.: ЖИДУ, 2006. – 25 б.; Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. (по материалам китайских источников) Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Т.: АН РУз. Институт Востоковедения имени Беруни. 2006. – 50 с.; Саидов А.Х. Ўзбекистон – Япония: Стратегик ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги залварли қадам // Халқ сўзи. – 2019. – № 268(7498). – Б.1.; Умаров Х.П. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик тизимида ХХР омили 汉学研究.

Хитойшуносликнинг долзарб масалалари: филология, фалсафа, тарих, иқтисод ва сиёсат. Илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТошДШИ, 2011 йил 25 октябрь. – Б. 170-176.

¹⁰ Василенко Е.В. Культурная дипломатия как инструмент «мягкой силы» государства // Перспективы. – 2016. – № 1 (5). – С. 68-80.; Скрипкарь В.М. Культурная дипломатия: теория и практика. Учебное пособие. – Чита. Забайкальский гос. ун-т. 2014. – 125 с.; Цвик Г.И. Культурная дипломатия в современных международных отношениях (на примере России и Китая) // Вестник РУДН. Серия: всеобщая история. – 2018. – № 2. – С. 135-144.; Siqueiros A. Cultural diplomacy strategies for Mexico in the XXI century. – 2015; Hu Yue. Culture and cultural diplomacy a comparative study of a Canadian and Chinese case. – 2011. Erik Pajtinka Cultural diplomacy in theory and practice of contemporary international relations

URL: https://www.researchgate.net/publication/269763112_Cultural_Diplomacy_in_Theory_and_Practice_of_Contemporary_International_Relations.

Ф. Фукуяма¹¹ ва бошқаларнинг асарларида глобал маданият ва унинг таркибига кирувчи оммавий маданият масалалари ўрганилган. С. Хантингтон, В.Л. Иноземцев, Б.Ю. Кагарлицкий, А.С. Панарин¹² ларнинг асарларида глобаллашув натижасида умумжаҳон цивилизацияси пайдо бўлмайди, аксинча, турли цивилизациялар ўртасида ихтилофлар кучаяди, деган ғоя илгари сурилади.

Давлатнинг ижобий имижини мустаҳкамлаш бўйича тадқиқотчилар Уолтер Липман, Эдвард Бернейс, Сэм Блэк, Грин Энд¹³ имиж методологиясини шакллантириш ва тадқиқ қилишга катта ҳисса қўшганлар. Мамлакатнинг имиж тушунчаси, шунингдек, И.А. Василенко, Э.А. Галумов, А.А. Деркач, Н.Г. Шербинин, М.А. Беляева, В.А. Самковалар¹⁴нинг ишларида ҳам кўриб чиқилган.

Давлат имижини шакллантириш воситаларидан бири «юмшоқ куч» ҳисобланади. «Юмшоқ куч» концепциясига Жозефер Най¹⁵ асос солган. Ундан ташқари П. Маттео, О.Г. Леонов, А.М. Бобило, И.А. Гулиев, Ю.И. Матвиенко¹⁶ ва бошқа муаллифлар ҳам ўз асарларида «юмшоқ куч» тушунчасини илмий таҳлил этганлар. Ватанабэ Юсуши, Давид Л. Макконнелл, Сук Жонг Ли, Жан Мелиссен, В.А. Королёв, С.С. Кудрявцева¹⁷ ларнинг ишларида Япония ва Шарқий Осиё давлатларнинг «юмшоқ кучи» ёритиб берилган. Шунингдек, нуфузли америкалик мутахассислардан бири Саймон Анхольт ўз асарларида бугунги кунда давлатнинг миллий брендини яратиш ва аниқлаш методологиясини ишлаб чиққан. Шунингдек, бошқа олимлар: Николь Гарингалао, Ву Жиян, Жанет Боргерсон, Жонатан Шрөэдэр¹⁸ шу йўналишда тадқиқот ишларини олиб боришган. Оммавий

¹¹ Greider W. One World, Ready or Not: The Manic Logic of Global Capitalism. London, 1997.; Omae K. The Borderless World: Power and Strategy in the Interlinked Economy – N.Y., 1999. – 312 p.; Фукуяма Ф. Конец истории и последний человек. – М., 2004. – 508 с.

¹² Хантингтон С. Столкновение цивилизаций.– М., 2007. – 571 с.; Иноземцев В.Л. Вестернизация как глобализация и «глобализация» как американизация // Вопросы философии. – 2004. – №4. – С. 33-37.; Burbach R., Nunez O., Kagarlitsky B. Globalization and its Discontents. – London, 1997. – 265 P.; Панарин А. С. Глобализация // Глобалистика: Энциклопедия. – М., 2003. – 346 с.

¹³ Lippmann W. Public opinion. – N.Y., 1922.; Bernays E. Crystallizing public opinion. – NY., 1923.; Блэк С. Паблик Рилейшнз. – М.: Сириус, 2013. – 202 с.; Грин Э. Креативность в паблик рилейшнз. – СПб.: Нева, 2013. – 224 с.

¹⁴ Василенко И.А. Имидж России: концепция национального брендинга//Проблемный анализ и государственно-управленческое проектирование. – 2012. – №4. – С.66-78.; Галумов Э.А. Основы PR. – М.: Летопись XXI, 2004. – 359 с.; Деркач А.А., Перельгина Е.Б. Политическая имиджелогия – М., 2006. – 399 с.; Щербина Н.Г. Политическая имиджелогия: учебно-методическое пособие. – Томск, 2016. – 116 с.; Беляева М.А., Самкова В.А. Азы имиджелогии. Имидж личности, организации, территории. – Москва-Екатеренбург, 2017. – 227 с.

¹⁵ Nye S.J. Soft Power. The Means to Success in World Politics. – NY.: Public Affairs, 2004. – 191 p.; Nye S.J. Soft Power and Cultural Diplomacy. Public Diplomacy Magazine, 2010, issue 3, – P.120-124.; Nye S.J. The Future of Power. – NY.: PublicAffairs, 2011. – 320 p.

¹⁶ Pallaver Matteo. Power and Its Forms: Hard, Soft, Smart // The London School of Economics and Political Science, 2011. – 147 p.; Леонова О. Г. Мягкая сила – ресурс внешней политики государства // Научно-аналитический журнал «Обозреватель». – М.: Изд-во Институт диаспоры и интеграции, 2013. – С. 27-40.; Бобыло А.М. «Мягкая сила» в международной политике: особенности национальных стратегий // Вестник БГУ.– 2013. – №14. – С. 129-135.; Гулиев И.А. Понятие «Мягкой силы» как инструмента глобальных политических технологий // Juvenis scientia. – 2016. – №3. – С. 49-52.; Матвиенко Ю.И. «Мягкая сила» как фактор современной геополитики// PolitBook. – 2015. – №1. – С. 165-179.

¹⁷ Watanabe Yusushi, David L. Mcconnell. Soft power super power. Cultural and national assests of Japan and the United States. An East Gate Book. – USA. 2008. – 295 p.; Sook Jong Lee, Jan Melissen. Public diplomacy and soft power in East Asia. – NY.: Palgrave Macmillan, 2011. – 277 p.; Королев В.А., Кудрявцева С.С. «Мягкая сила» современной Японии: опыт и направления развития// Вестник международных организации. – 2014. – №2 Т.9. – С. 190-206.

¹⁸ Anholt S. Beyond the Nation Brand: The Role of Image and Identity in International Relations URL: <https://surface.syr.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1013&context=exchange>.; Anholt S. Competitive identity: the new brand management for nations, cities and regions. – NY.:Palgrave Macmillan, 2007. – 147 p.; Nicole Garingalao, Wu Zhiyan,

дипломатиянинг Россия ва АҚШдаги ўзига хос жиҳатлари Н.А. Цветкова, А.Н. Бобров, М.М. Лебедевлар¹⁹ томонидан ўрганилган.

Р.Н. Белла, Ё. Карибэ, Т. Сакаия, Д.Г. Главева, М.И. Крупянко, С.В. Чугров²⁰ ва бошқаларнинг асарларида япон анъанавий маданияти ва миллий маданий гўзаллик масалалари ўз аксини топган. Глобаллашув жараёнларининг Японияга, хусусан, унинг ҳозирги замон маданий дипломатиясига таъсири А. Нацуко, Ричард Ж. Харрис, В.М. Алпатов, О.В. Дубровина, О.Ю. Дубинина, Э.Л. Катасонова, С.Б. Маркаръян, В.Е. Молодяков, Э.В. Молодякова, М. Титаренко, С.В. Чугровлар томонидан ўрганилган.²¹ Шунингдек япон олимлардан Ивабучи Коичи, Цунояма Синдо, Накажима Минэо, Катакура Макото²² ва бошқаларнинг асарларида глобаллашув жараёнларининг миллий маданий кадриятларга таъсири масаласи ёритиб берилган.

Сўнги йилларда Хитойнинг «юмшоқ куч»и ва халқ дипломатияси масаласи билан шуғулланаётган олимлар сони кўпаймоқда. Хитойлик муаллифлар орасида Ван Хунин, Чжао Сичжен, Ян Сюетун, Йивеи Ванг, Жиан Ванг, Шенг Динг.²³ ва бошқалар бор. Хорижий муаллифлар орасида Син Лиу, Диан Ванг, М. Барр,

Branding the national interest: the rise of soft power in Japan and China. – Washington, 2006, – 93 p.; Janet Borgerson, Junathan Schroeder. From Chinese brand culture to global brands. – NY.:Palgrave Macmillan, 2013. – 219 p.

¹⁹ Цветкова Н.А. Публичная дипломатия США в Евразии: влияние на Русский Мир//Национальная безопасность и стратегическое планирование. – 2017. – №4(20). – С.96-99.; Бобров А.Н. Дипломатия публичная или общественная - вот в чем вопрос? //Международная жизнь. – 2017. – №5. – С.188-200.; Лебедева М. М. Публичная дипломатия в урегулировании конфликтов // Международные процессы. – 2015. – № 4 (43). – С. 45-56.;

²⁰ Bellah R.N. Imagining Japan: The Japanese Tradition and Its Modern Interpretation.– Los Angeles, 2003. – 219 p.; Карибэ Ё. Традиционная японская идентичность (с древних времен до эпохи глобализации): Автореф. дис. ...канд. историч. наук.– М., 2004. – 25 с.; Сакаия Т. Что такое Япония? – М., 1992. – 207 с.; Главева Д.Г. Традиционная японская культура: Специфика мировосприятия.– М., 2003. – 196 с.; Крупянко И.М. Новый японский национализм: мифы или реальность? // Восток (Oriens). – 2006. – №1. – С. 36–42.; Чугров С.В. Япония вновь в поисках идентичности? // Мировая экономика и международные отношения. – 2003. – №12. – С.72-80.

²¹ Natsuko Akagava. Heritage conservation and Japan's cultural diplomacy: heritage, national identity and national interest. – N.Y.:Routledge. 2015. – 219 p. Richard J. Harris. Ambassador doraemon: Japan's pop culture diplomacy in China and South Korea. – Washington, 2012. – 44 p.; Алпатов В.М. Япония: язык и культура. – М., 2008. – 189 с.; Дубровина О.В., Дубинина О.Ю. Основные направления культурной дипломатии современной Японии//Власть. – 2019. – №4. – С. 234-242.; Катасонова Е.Л. Японская культура в контексте глобализации: взгляд из Японии//Япония и современный мировой порядок. – М., 2002. – С.18-24.; Маркаръян С.Б. Япония в интернационализирующемся мире: социокультурный аспект//Япония и современный мировой порядок. – М., 2002. – С.58-62.; Молодяков В.Э. Бренд «Япония»: превращения национальной идеи//Глобальные вызовы — японский ответ. – М., 2008. – С. 23-27.; Молодякова Э.В. Предисловие//Глобальные вызовы - японский ответ. – М., 2008. – С. 31-36.; Титаренко М.К. вопросу о глобальном значении интернационализации японской духовной культуры//Проблемы Дальнего Востока. – 1993. – №6. – С. 18–23.; Карелова Л.Б., Чугров С.В. Глобализация: японские интерпретации социокультурных процессов//Вопросы философии. – 2009. – №7. – С. 46–48.

⁸ 小市岩淵. 日本のグローバル化. 東京. 2002年. (Ивабучи Коичи. Япония глобаллашуви.) – 35 б.; 角山震度. アジアのルネッサンス. 東京. 1995年. (Сунояма Синдо. Осиеча ренессанс.) – 212 б.; 中島峰雄. アジアの世紀は本当か. 発行所: 株式会社小学館. 2005年.(Накажима Минэо. Осие аси, бу хақиқатми?) – 197 б.; 片倉真琴. 他化成と強化製. 日本人の異文化の重要を廻って. 発行所: 京都: 日本研究, 2007年. (Катакура Макото. Япония бошқа маданиятлар орасида.) – 183 б.

²³ Ван Хунин. Szovey gotszya shilide venxua: juan syuanli (Маданият миллий куч сифатида: юмшоқ куч), 复旦大学图书馆 (Фудан университетининг Ахборотномаси). – 1993. – №3. – В. 23-28.; Чжао Сичжен. Gungun vayszyao yuu kuan venxua szyaolyu (Халқ дипломатияси ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар), 中国人民大学出版社(Пекин Халқ Университети нашриёти), 北京. 2011.– 222 б.;Yan Xuetong. The path for China to increase it's soft power. URL:<http://www.ccwe.org.cn/ccweold/en/journal/2/4ThePathforChinatoIncreaseitsSoftPower.pdf>; Public Yiwei Wang. Diplomacy and the Rise of Chinese Soft Power. ANNALS, AAPSS, 616, March 2008. – P. 257-263.; Jian Wang. Soft power in China. Public Diplomacy through Communication. – Palgrave Macmillan, 2011. – 208 p.; Sheng Ding. The dragon's hidden wings. How China Rises with Its Soft Power. – United Kingdom. 2008. – 197 p.

Ингрид д`Хуже, К.А. Вотинцева²⁴лар томонидан ўрганилган. Хитойнинг ижобий имижини яратиш бўйича Дипак, Б.Р, Ислам. Мд. Назрул, Д. Шамбо, Хо Вай-Чунг²⁵ каби тадқиқотчиларнинг ишлари мавжуд.

Шундай қилиб, хорижда бу соҳага оид маълумотлар, тадқиқотлар кўплигига қарамадан, бизнинг мамлакатимизда бу соҳада махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Юртимизда миллий маданиятимизга бағишланган қатор тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, Хитой ва Япониянинг маданий дипломатияси ва ташқи сиёсатида миллий маданиятидан «юмшоқ куч» сифатида фойдаланиш хусусиятлари, унинг жаҳондаги ижобий имижини мустаҳкамлашдаги ўрни масалалари ва бу давлатлар тажрибасининг Ўзбекистоннинг янги ижобий имижини шакллантиришдаги аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан махсус таҳлил этилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири» мавзусидаги устувор илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Япония ва Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида давлат ижобий имижини шакллантириш жараёнларини маданий дипломатия нуктаи назаридан концептуал таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонидаги ижобий имижини шакллантириш ва ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маданий дипломатия ва давлат ижобий имижини шакллантиришнинг илмий-методологик асосларини таҳлил этиш;

Япония ва Хитой мисолида маданий дипломатия ҳамда халқ дипломатиясининг давлат халқаро нуфузини оширишга таъсирини очиб бериш;

Ўзбекистон ижобий имижини шаклланишига халқаро маданий ҳамкорлик алоқаларининг таъсирини кўрсатиш;

Ўзбекистон ва Япония, шунингдек Ўзбекистон ва Хитой муносабатларида маданий ҳамкорлиги ривожланишининг янги тенденцияларини таҳлил қилиш ва керакли хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида давлат ижобий имижини шакллантириш жараёнлари ва уларнинг барқарор халқаро муносабатларни ўрнатишга таъсирини кўриб чиқиш олинган.

²⁴ Xin Liu. China's cultural diplomacy: a great leap outward? – N.Y.:Routledge. 2020. – 255 p.; Jian Wang. Soft power in China: public diplomacy through communication. – USA.:Palgrave Macmillan. 2011. – 203 p.; Barr M. Chinese cultural diplomacy: old wine in new bottles? London; Palgrave Macmillan. 2015.; Ingrid d'Hooghe. China's public diplomacy. – Brill, Nijhoff. – 2014. – 424 p.; Вотинцева К.А. Культурная дипломатия Китая//Гуманитарные научные исследования. – 2014. – №11. URL:<http://human.snauka.ru/2014/11/8065>

²⁵ Deepak, B.R. China's Global Rebalancing and the New Silk Road. 2018. – 246 p.; Islam. Md. Nazrul. Silk Road to Belt Road Reinventing the Past and Shaping the Future. – Springer Nature Singapore, 2019. – 340 b.; Shambaugh D. China Goes Global: The partial power. – Oxford University Press, 2013. – 61 p. Ho, Wai-Chung. Culture, Music Education, and the Chinese Dream in Mainland China. 2018. – 250 p.

Тадқиқотнинг предметини маданий дипломатия асосида давлатнинг ижобий имижини шакллантириш жараёнларини Япония ва Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг эмпирик ва назарий методларидан қиёсий-сиёсий таҳлил, цивилизация, институционал, тизимли-функционал ёндашув, анализ ва синтез, умумлаштириш каби усулларида, тарихийлик ва мантиқийлик тамойилларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув шароитида Япония ўз миллий кадриятларини инновацион технологиялар билан уйғунлаштирган ҳолда «юмшоқ куч» воситасида давлат ижобий имижини ривожлантирганлиги ёритиб берилган;

ижтимоий дипломатия, халқ дипломатияси, миллий бренд ва «юмшоқ куч» омилларининг ўзаро самарали алоқадорлиги давлат ижобий имижини ва маданий дипломатиясини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

Хитой давлати ижобий имижининг шаклланиши, замонавий халқ дипломатияси ривожланиши ва маданиятлараро интеграция механизми «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси контекстида асосланган;

янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашда ташқи маданий дипломатиянинг ўрни Ўзбекистон-Япония ва Ўзбекистон-Хитой халқаро ҳамкорлик алоқалари асосида очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маданий дипломатия ва давлат имижини тушунчаларининг моҳияти, уларнинг халқаро муносабатларни ривожлантиришда тутган ўрни, имкониятлари очиқ берилган;

Япония ва Хитой Халқ Республикаси маданий дипломатиясининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ўзбек, япон, хитой, инглиз ва рус тилидаги адабиётлардан фойдаланилган ҳолда таҳлили амалга оширилиб, асосий йўналишлари ва муҳим хусусиятлари тадқиқ этилган ва илғор тажрибалар умумлаштирилган;

маданий дипломатия воситасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлашга оид тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот расмий маълумотларга асосланган: натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолаларда ўз натижасини топган. Илмий тадқиқотда берилган амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хулосаларидан маданий дипломатияни ривожлантириш асосида давлат ижобий имижини шакллантириш, глобаллашув жараёнлари ривожининг истиқболларини аниқлаш, Ўзбекистон ижобий имижини шаклланишига халқаро маданий ҳамкорлик алоқаларининг таъсирини тадқиқ этиш жараёнида назарий-методологик манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи сиёсий ва маданий алоқалар билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларида, хусусан, Ташқи ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази, Конфуций институти, Ўзбекистон-Япония Маркази, Туристик ташкилотлар, маънавият ва маърифат масалалари бўйича турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятида, шунингдек, олий ўқув юртлиларида «Сиёсатшунослик», «Халқаро муносабатлар», «Глобалистика», «Маданиятшунослик», «Имижелогия», «Маданий дипломатия», «Оммавий дипломатия» каби фанларни, ўқув курсларини ўқитишда, фан дастурлари, маъруза матнларини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маданий дипломатия асосида давлат ижобий имижини шакллантириш жараёнларини тадқиқ этиш натижасида ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

«Маданий дипломатия асосида давлат ижобий имижини шакллантириш жараёнлари (Япония ва Хитой Халқ Республикаси тажрибаси мисолида)» мавзуси доирасида ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида шаклланган тавсиялар ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтида ахборот-таҳлилий материаллар ва маърузалар тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти 2020 йил 6 августдаги №05-4/517-сон маълумотномаси). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига тақдим этилган диссертация маълумотлари асосида ахборот-аналитик материаллар тайёрлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон ва Япониянинг ёшлар сиёсатидаги ўзига хос хусусиятлар, ёшларнинг давлат сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, сиёсий партияларнинг ёшлар билан ишлаш амалиёти, халқаро ахборот алмашинувининг кенгайтириши ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатувчи омилларга оид тадқиқот натижаларидан 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-20170929561 рақамли «Ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш ва миллий ғояга содиқлик руҳини кучайтиришда маънавий-маърифий тарғибот механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлиги 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4401-сон маълумотномаси). Натижада, сиёсий партиялар, нодавлат ва ношаро ташкилотлари фаолиятининг ривожланишига оид тадқиқотлар, уларда ёшлар ижтимоий фаоллигининг ошиб бориши, халқаро миқёсда ахборот ва инновацион ғоялар билан алмашиш уларнинг интеллектуал салоҳиятини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатилишида Япония тажрибасининг ўрганилиши ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш ва миллий ғояга содиқлик руҳини кучайтиришда маънавий-маърифий тарғибот механизмларини такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва хулосаларни ишлаб чиқишга хизмат қилган;

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро маданий алоқаларнинг ривожланиш тенденциялари номли илмий маърузаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси 2019 йил 5 апрель куни ўтказган «Миллий байрамларнинг миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусидаги тадбирда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси 2019 йил 20 майдаги 03-08-826/1-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу давра суҳбатида хитой маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг элементларининг ташқи сиёсатда акс этиши, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий алоқаларда ҳамда давлат ижобий имижини шакллантиришда тутган ўрнини таҳлил этиб, мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилган;

давлат ижобий имижини шакллантиришда маданий дипломатиянинг ўрни: Япония маданий дипломатияси бўйича олинган назарий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида «Такдимот» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 19 ноябрдаги 02-40-2398-сон маълумотномаси). Ушбу кўрсатув давлат ижобий имижини шакллантиришда Япония маданий дипломатиясининг аҳамиятини аҳолига холисона етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий 6.7 импакт факторли журналда инглиз тилида 1 та мақола ҳамда «Японча-ўзбекча ижтимоий-сиёсий терминлар луғати» нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, тадқиқот қисми 160 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Давлат ижобий имижини ва маданий дипломатияни шакллантиришнинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «Давлат имижини», «оммавий дипломатия», «маданий дипломатия»

тушунчаларининг илмий-методологик асослари таҳлил қилиниб, уларнинг давлат нуфузини оширишдаги аҳамияти ёритилган. Шунингдек, давлат ижобий имижини шакллантиришида «юмшоқ куч» концепциясидан самарали фойдаланаётган Япония ва ХХРнинг тажрибалари таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида ХХІ асрга келиб, мамлакат имижининг таркибий қисмларини шакллантириш ҳар қандай замонавий давлатнинг стратегик вазифасига айланганлиги; мамлакатнинг самарали имиж сиёсати – унинг иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси ҳамда давлатнинг ўз ички ва ташқи сиёсатини муваффақиятли олиб бораётганидан далолат бериши ҳамда дипломатик фаолият, миллий брендларни яратиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, туризм, маданий таъсирни кенгайтириш каби коммуникатив йўналишлари кўрсатиб берилган.

Тарихдан маълумки, цивилизация ривожланиб бориши билан хорижий мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ва музокаралар «боши берк кўчага» кириб қолган ҳолатларда, маданият – халқаро ҳамкорликни йўлга қўювчи, иқтисодий ва сиёсий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий омилига айланиб борган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда энг самарали мулоқот технологияларидан бири, бу – маданий дипломатия ҳисобланмоқда. Маданий дипломатия – ўзаро тушунишни мустақамлаш учун давлатлар ва халқлар ўртасида маданиятга оид ғоялар, ахборотлар, санъат асарлари ва маданиятининг бошқа таркибий қисмларини ўз ичига олган «юмшоқ куч» сиёсатининг ажралмас қисмидир ²⁶. Диссертация ишида маданий дипломатия ҳукуматлараро ва халқларнинг бир-бирларини тушунишларидаги маданий тўсиқларни бартараф этишга, тинчлик ва барқарорликка эришиш учун давлатнинг дипломатик фаолиятида маданий омилларнинг аҳамиятини ошишига кўмаклашиши; халқаро майдонда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш мақсадида маданият, санъат ва таълимнинг турли соҳаларидан фойдаланишни ўз ичига олиши таъкидланган.

Мазкур бобда замонавий давлатнинг маданий дипломатия стратегиясини амалга ошириш самарадорлиги бевосита ўз миллий маданиятининг ривожланиш даражасига боғлиқлиги таҳлил этилиб, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакат ичидаги тайёргарлик ишлари, аввало, зарур маданий дастурларни тайёрлаш, нафақат изчил давлат сиёсати орқали амалга оширилади, балки кенг қўламли манфаатдор томонлар – олий таълим ва маданият муассасалари, маданий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниялар, жамғармалар нодавлат муассасаларининг қўшма саъй-ҳаракатлари асосида вужудга келади.

Маданий жараёнларнинг таркибий қисми сифатида маданий дипломатия – жаҳон сиёсатида янги маънога эга бўлиб, глобал ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ва давлатлараро алоқаларга жиддий таъсир кўрсатади. Давлатлар миллий маданиятини экспорт қилиш, тарқатиш ва оммалаштириш мақсадида маданий дипломатияга тобора кўпроқ эътибор бера бошладилар. Шу муносабат билан, маданий дипломатия ташқи сиёсатнинг ва халқаро майдонда миллий

²⁶ Michael J. Waller. cultural diplomacy, political influence, and integrated strategy, in strategic influence: public diplomacy, counterpropaganda, and political warfare.–Washington: Institute of World Politics Press, 2009.– P.107

манфаатларни илгари суришнинг самарали воситасига айланди. Демак, у хорижий мамлакатлар маданияти, анъаналари ва урф-одатларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради, бу эса давлатлар ўртасидаги ўзаро англашувни яхшиланишига хизмат қилади. Маданий дипломатия – халқаро муносабатларни йўлга қўйиш усулидир. Маданий алмашинув дастурлари маданий қадриятларни бошқа мамлакатларга узатиш, шунингдек маданиятлараро мулоқот жараёни орқали чет элда мамлакатнинг ижобий имижини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Тадқиқот ишида маданий дипломатия орқали давлат ташқи сиёсатининг самарадорлигини ошириш; давлатнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жамият ва унинг демократик қадриятлари очиклигини намойиш этиш; замонавий дунёнинг маданий ва сиёсий хилма-хиллиги ва ўзаро боғлиқлигини акс эттирадиган кўптомонлама халқаро муносабатлар тизимини шакллантиришга таъсир кўрсатиш; хорижий инвестициялар учун ижобий иқтисодий муҳитни шакллантириш, туризм индустриясини ривожлантиришга кўмаклашиш; маданиятни давлат брендини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида тақдим этиш; мамлакатда янада юқорироқ илмий, интеллектуал ва маданий салоҳиятга эга давлат сиёсатини шакллантириш; салбий сиёсий-мафкуравий тенденцияларнинг таъсирига нисбатан иммунитет ҳосил қилиш; давлат ижобий имижини ошириш каби мақсадларга эришиш мумкинлиги аниқланган.

Диссертацияда «юмшоқ куч» мамлакат сиёсий имижининг жозибадорлигини ошириш ва ғоявий ҳукмронлик қилишни қўлга киритиш учун маданият ресурсларидан фойдаланишни кўзда тутиши – бу мақсадда оммавий ахборот воситалари ва оммавий дипломатиядан фойдаланилиши таҳлил этилиб, Жозеф Найнинг «юмшоқ куч» ҳақида илгари сурган фикрларига алоҳида эътибор қаратилган. Жозефер Най ўзининг дастлабки қарашларида «юмшоқ куч» сифатида маданият, мафкура ва халқаро институтларнинг, кейинчалик эса – маданият, қадрият ички ва ташқи сиёсат жозибадорлиги ҳақида фикр юритган. Жозефер Най фикрича, Осиё мамлакатлари орасида Япония ва Хитой энг йирик «юмшоқ куч» ресурсларига эга давлатлардир. Япон тилида «юмшоқ куч» атамаси инглиз тилидан кириб келгани учун катаканада (ソフトパワー-softu pawa) деб аталади. Хитой тилида эса «юмшоқ куч» (软实力 guǎn shíli, 软力量 guǎn lìliàng) ва яна «юмшоқ қудрат» (软权力 guǎn quánlì), «юмшоқ ҳокимият» (软国力 guǎn guóli) деб таржима қилинади. Япония ва Хитой «юмшоқ куч» сиёсатини амалга оширишида ўхшашликлар мавжуд бўлиб, бунда асосий эътибор халқ дипломатиясини ривожлантиришга қаратилади.

Тадқиқот ишида мутахассислар томонидан Хитойнинг «юмшоқ куч» модели мутаносибликка, яъни «юмшоқ куч»нинг ўсиши учун «қаттиқ куч» имкониятлари билан ўзаро уйғунлашувига асосланиши; «юмшоқ куч» – ҳамкорлик ёрдамида иттифоқчиларни ўзига ишонтириш, жалб этишдан иборат бўлса, «қаттиқ куч» – давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва молиявий қудратини назарда тутуди ва мажбурлаш ёрдамида амалга оширилиши; бугунги кунга келиб, «юмшоқ куч» ва «қаттиқ куч» ресурслари ва имкониятларини мувофиқлаштириш натижасида – «ақлли куч»дан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таҳлил этилган.

Диссертацияда шунингдек, Япон модели компенсаторлик, яъни «юмшоқ куч»нинг ўсиши учун бутун дунёга энг қудратли давлат эканлигини намойиш этишга йўналтирилгани билан ажралиб туриши кўрсатилган. 2019 йилда Портланд халқаро консалтинг компанияси «Soft Power 30»²⁷ деб номланган дунё давлатлари «юмшоқ куч» рейтингини эълон қилди. Унинг натижаларига кўра, Япония «юмшоқ куч» бўйича Осиё давлатлари орасида етакчилик қилиб, 1-ўринни эгаллади. «Soft Power 30»²⁸ индексининг дунё бўйича эълон қилган рейтингда эса Япония 2015 йилдан – 2018 йилгача бўлган 3 йил муддат ичида 8-ўридан 5-ўринга чиқиб олган. 2020 йилнинг дунёдаги энг яхши давлатлар рўйхати эълон қилиниб, унда 73 мамлакат киритилган, Япония Швейцария ва Канададан сўнг учинчи ўринни эгаллаган.

Диссертацияда таъкидланишича, замонавий шароитда давлатнинг халқаро алоқалар тизимидаги ўрни ва нуфузи нафақат иқтисодий ва ҳарбий ресурслари, сиёсий институтларнинг ривожланиш даражаси билан балки, маданий салоҳияти билан ҳам белгиланади. Чунки маданият давлатнинг нафақат ички маданий сиёсати балки, ташқи маданий сиёсатининг ҳам муҳим хусусиятини акс эттиради. Давлат ижобий имижини ва маданий дипломатиясини шакллантиришнинг методологик асосларини тадқиқ этиш давомида, атамаларнинг қўлланилиши юзасидан баҳс-мунозаралар олиб борилаётганлиги, бугунги кунда олимлар орасида яқдил фикрга келинмаганлиги аниқланди. Масалан, инглиз-америка сиёсатчилари ва олимлари давлатнинг ушбу фаолиятини белгилаш учун «маданият дипломатияси» ёки «оммавий дипломатия» атамаларидан фойдаланадилар. Японияда ҳам худди шу атама қабул қилинган. Хитой сиёсатшунослари учун кўпроқ «халқ дипломатияси» атамаси хосдир.

Маданият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик замонавий давлатларнинг ташқи сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, у халқаро позицияларини мустаҳкамлашга қаратилган. Бугунги кунда маданият омили «юмшоқ куч» сифатида жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга ва халқаро муносабатларга жиддий таъсир этмоқда. Шу муносабат билан турли давлатлар ўзининг маданий дипломатиясига алоҳида эътибор бера бошлади. «Маданий дипломатия» атамаси муайян давлат томонидан ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий маданияти, кадриятлари ва анъаналаридан халқаро муносабатларни ўрнатиш жараёнида «юмшоқ куч» воситасидан фойдаланишини билдиради. Бу, бир томондан, унинг жаҳондаги ижобий имижини шакллантириш ва намоён қилиши билан, бошқа томондан эса, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш зарурати ҳамда миллий маданиятини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан ҳам боғлиқ. Ўз навбатида, жозибатор имижнинг мавжудлиги давлатга ташқи сиёсатда мақсадларини муваффақиятли амалга оширишида ва миллий манфаатларига нисбатан ҳурмат билан қаралишида ёрдам бериши мумкин. Шулардан келиб чиқиб, маданий дипломатия миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва миллий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи давлат имижининг миллий кучи сифатида баҳоланади.

²⁷ The Soft Power 30. A Global Ranking of Soft Power 2019. Portland. USC Center on Public Diplomacy. – P.67.

²⁸ The Soft Power 30. A Global Ranking of Soft Power 2018. Portland. USC Center on Public Diplomacy. – P.45.

Диссертациянинг «Япония ва Хитой Халқ Республикасида маданият омили асосида давлат ижобий имижини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари» номли иккинчи бобида глобаллашув жараёнларининг Япония маданий дипломатиясига таъсири ва унинг асосида давлат ижобий имижини шакллантириш концепцияси, Хитой халқ дипломатиясининг ўзига хос хусусиятлари, Хитой ижобий имижини ривожлантиришида «Бир макон, бир йўл» концепцияси муҳим омили сифатида кўриб чиқилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ҳукумати олдида нафақат мамлакат иқтисодиётини тиклаш, балки халқаро майдонда ўз ижобий имижини шакллантириш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турган эди. Маданий дипломатия эса бу борада кенг имкониятларни очиб берди. Японияда ушбу сиёсатини амалга ошириш жараёни Ташқи ишлар вазирлиги томонидан назорат қилинади. Жумладан, 1972 йилда, унинг бошқаруви остида маданий алмашинувни ривожлантириш, чет элда японшуносликни тарғиб қилиш, Ғарб институтлари ва маданий алмашинув дастурлари фаолиятини ўрганиш учун ташкил этилган Япон фонди²⁹ 2003 йил октябрь ойида мустақил институтга айлантирилди. Фонднинг 24 та хорижий ваколатхоналари бўлиб, дунёнинг 190 дан ортиқ давлатларида фаолият олиб боради. Фонд маданиятлараро алоқалар, фан ва маданият соҳасидаги иқтидорли мутахассислар билан алмашиш дастурлари, спорт алмашинув дастурлари ва япон олимларининг халқаро конференцияларда иштирок этишлари, Япония маданий ёдгорликларини тиклаш ва сақлаш учун чет эллардан мутахассисларни жалб қилиш бўйича иш юритади.

Диссертацияда Япониянинг кейинчалик ҳам мазкур соҳада эришаётган муваффақиятлари, унинг янгича усуллари ва ёндашувлари таҳлил этилган. Жумладан, у Европада анъанавий япон санъатини (шу жумладан, миллий курашни) тарғиб қилиш орқали ҳамда ТИВнинг тадқиқот департаменти томонидан амалга ошириб келинаётган «Маданий ва интеллектуал алоқа» дастури ёрдамида мустаҳкамлади. Кейинчалик ташкил топган Жаҳон маданияти билан таништириш жамияти (国際文化振興協会 *Kokusai bunka shinkou kyokai*) ва Халқаро талабалар жамияти (国際学級会 *Kokusai gakkyukai*) хорижда япон маданияти ва япон тилини ўрганилишини кўллаб-қувватладилар. Шунингдек, маданият соҳасида эришилган ютуқларини ва «япон руҳини» кенг ёйишда Япония ТИВги ўша вақтларданок миллий маданият билимдонларининг ва ижтимоий алоқалар бўйича истеъдодли мутахассисларнинг кўмагидан кенг фойдаланиб келган. Масалан, «Бусидо. Япония қалби» китобининг муаллифи Нитобэ Инадзо, «Чой йўли» китобининг муаллифи Окакура Какудзо, замонавий дзюдонинг асосчиси ва бутун дунёда ушбу спорт турини оммавийлаштириш ишида жонбозлик кўрсатган Кано Дзигоролар шулар жумласидандир³⁰. Хорижда Япония тимсолини оммалаштиришда бутун жаҳонга машҳур япон маданияти, санъати арбоблари ва спортчиларига мурожаат этиш, уларнинг кўмагига таяниш анъанаси бугунги кунгача сақланиб қолган.

²⁹ Japan Foundation. – Available at: <http://www.jpff.go.jp/e/about/index.html>

³⁰ Дейноров Е. История Японии. – М. 2008. – С. 148.

Турли соҳаларда фаолият олиб боровчи машҳур хорижий арбобларнинг мамлакатга ташрифларини уюштириш Япония маданий дипломатиясининг асосий ва илк бор қўлланилган иш усулларида бўлиб, XIX асрнинг ўрталаридаёқ унга муваффақият келтирган. Бундай ташрифларга «маданиятлараро мулоқот секторига қисқа муддатли сердаромад маданий инвестициялар» сифатида қараш мумкин. Одатда йирик сиёсатчилар, ёзувчилар, олимлар, маданият арбоблари ушбу инвестицияларнинг объектлари бўлиб, уларга Япониянинг бой маданияти билан танишиш, баъзи ҳолларда эса Япония замида ижод қилиш учун ҳам алоҳида шароитлар яратиб берилади. Уларнинг Япония маданияти, демакки, Япониянинг умумий тимсоли ҳақида билдирган фикрлари ўз мамлакатларида Япониянинг асосий ёки иккиламчи тимсолини яратилишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиб, амалда ҳамisha уни ижобий жиҳатдан шакллантириб келган.

Айни чоғда, тараққиёти бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб келаётган япон илм-фани вакиллари илмий ҳамкорликни кенгайтириш ва Япониянинг ўз илм-фанини янада ривожлантириш мақсадида хорижий мамлакатлар олимлари билан алоқаларни кенгайтириш учун фаол равишда имкониятлар излашмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан энг машҳур математиклар, физиклар, химиклар ва бошқа олимларни турли конференциялар, симпозиумлар, семинарлар, стажировкалар ва ҳоказолар ташкил этиш йўли билан Японияда ва ундан ташқарида интеграция жараёнига жалб этилмоқда. Мисол учун, Цукубадаги физик тадқиқотлар Марказида бир вақтнинг ўзида бир неча мамлакатлардан жалб этилган олимлар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Уларнинг аксарияти бошқа илмий марказларда фаолият олиб бораётган ҳамкасабалари каби япон тили ва маданиятини ҳам ўрганишмоқда.

Таълим, ёшлар ва спорт соҳасидаги алоқа дастурлари энг самарали ҳисобланади. Чунки унда келажакда ўз давлатларининг сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал элитасининг ташкил этиши мумкин бўлганлар тафаккурида Япониянинг ижобий образини яратишга йўналтирилган. Япон фонди йўналиши бўйича ташкил этиладиган турли стажировкалардан ташқари, Япония таълим вазирлиги томонидан ёшлар учун япон тилини бевосита Японияда ўрганиш имконияти яратилди.

Давлат имижини оширадиган реал усуллардан бири – дунё халқларига иқтисодий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ. Бундай ёрдам донор давлат ва реципиент давлат ўртасидаги оддий муносабат бўлиб қолмай, реципиент давлат фуқаролари онгида донор давлатнинг ижобий имижини шакллантиришга ва халқаро ҳамжамиятда «донор давлат» нуфузини оширишга йўналтирилган бўлади³¹. Жумладан ОДА, ЛСА каби ташкилотлар фаолияти Япониянинг, айниқса Осиё мамлакатларида нуфузини кўтаришга қаратилган.

Тадқиқот ишида Хитойнинг ҳам маданий дипломатиядан самарали фойдаланиб келаётгани, қатор мисоллар асосида таҳлил этиб берилган. Хусусан, бутун дунё бўйлаб Конфуций институтлари кенг тарқалганлиги бунинг яққол намунасидир. Оммавий дипломатиянинг яна бир шакли Хитой томонидан амалга

³¹ Радиков И., Лексютина Я. «Мягкая Сила» как современный атрибут великой державы // Мировая экономика и международные отношения. – 2012. – №2. – С. 22.

ошириладиган «панда дипломатияси» ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ХХР мамлакатнинг миллий рамзи бўлган катта пандани хорижий давлатларга совға сифатида тақдим этади ва шу билан ўз ҳурмати ва эътиборини билдиради³².

Ҳозирги пайтда Хитой Халқ Республикаси Осиёдан тортиб Америкагача турли давлатлар жамоатчилиги нигоҳида ижобий имижини шакллантириш мақсадида халқ дипломатияси воситаларини фаоллаштирган. У ўзига хос стратегиясини «Бир макон, бир йўл» концепцияси асосида олиб бормоқда. Ушбу ташаббус замонавий Хитойнинг ғоявий ва тарихий келиб чиқишига асосланиб номланган. «Бир макон, бир йўл» концепцияси қадимий Буюк Ипак йўли таъсири остида шаклланган.

Бугунги кунда Хитой дипломатлари олдида «Бир макон, бир йўл» концепцияси ва ХХР ижобий имижини илгари суриш бўйича учта вазифа кўйилган³³. Биринчи вазифа – шак-шубҳалар ва тушунмовчиликларни бартараф этиш ва дастурнинг тан олинмиш даражасини ошириш; иккинчи вазифа – иштирокчи-мамлакатлар ўртасида ўзаро стратегик ишончни мустаҳкамлаш; учинчи вазифа – глобал ҳамжамиятда Хитойнинг «умумий тақдирга эга инсонпарвар жамият» эканлиги ғоясини тарқатиш.

Шундай қилиб, ҳар бир мустақил давлатнинг миллий маданияти унинг барқарор ривожланишида, жаҳонда турли мамлакатлар ўртасидаги халқаро алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, дунёда ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олган, лекин миллий ўзлигини йўқотмаган Япония, ўз тарихий тараққиёти давомида ғарб цивилизацияси ютуқларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, ўз миллий маданий қадриятлари ва анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Япония, Ғарб цивилизациясига хос кўплаб хусусиятларни ўзида мужассам этиб, ривожланган жамиятни шакллантирган бўлишига қарамай, ғарбона жамиятдан нусха олмади. Бу, ўз навбатида, японларнинг доимо тарихий жараён узлуксизлигини, анъаналарга содиқлик ва ворисийликни таъминлашга қаратилган интилиши билан боғлиқ. Улар томонидан ўзлаштирилган барча янгиликлар маҳаллий ҳаёт реалликларига уйғунлаштирилди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган буюк давлат сифатида Япония халқаро ҳамжамият эришган ютуқларидан моҳирона фойдаланди. Шу билан бирга, глобаллашув шароитида анъанавий қадриятларни умуминсоний қадриятлар билан уйғун ҳолга келтириб, «юмшоқ куч» воситасида ўзи эришган ютуқларни бошқа халқлар ўртасида кенг тарқатишга ҳаракат қилмоқда.

Диссертацияда Хитой Халқ Республикаси ташқи сиёсатини тадқиқ ва таҳлил этиш натижасида, унга қуйидаги муҳим хусусиятлар хослиги аниқланди: биринчидан, ўзини ички ривожланиш ва ўз фуқаролари ҳаётини яхшилашга йўналтирилган мамлакат сифатида тақдим этиши; иккинчидан, ўзини у билан ҳамкорлик қилиш ўзаро манфаатли ўсишга хизмат қиладиган ва ҳеч қандай хавф туғдирмайдиган ишончли иқтисодий ҳамкор сифатида намоён этиши; учинчидан,

³² Панда– дипломатия// URL:<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D0%B0%D0%BD%D0%B4%D0%B0-%D0%B4%D0%B8%D0%BF%D0%BB%D0%BE%D0%BC%D0%B0%D1%82%D0%B8%D1%8F>

³³ « 一帶一路» 公共外交的目标, 挑战与路径 (Chjan S., Yan J. «Bir makon, bir yo'l» xalq diplomatiyasi: maqsadlar, muammolar vayechimlar) // Leading Journal of Ideological & Theoretical Education. – 2016. – № 6. P. 79–83.

Хитойнинг қадимий маданий меросни сақловчиси ва тарқатувчиси сифатида намоён бўлиши; тўртинчидан, Хитойни жаҳон ҳамжамиятининг дунё миқёсидаги муаммоларни ҳал қилиш ва уйғунликдаги дунё яратишдан манфаатдор бўлган аъзоси сифатида қабул қилинишига эришишдир.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистон ижобий имижини шаклланишига халқаро маданий ҳамкорлик алоқаларнинг таъсири**» деб номланиб, халқаро майдонда Ўзбекистон янги ижобий имижини шаклланишининг муҳим омиллари, Ўзбекистонда замонавий маданий дипломатиясининг ривожланиш жараёнлари, Ўзбекистон – Япония ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланишининг янги тенденциялари, Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги муносабатларда маданий ҳамкорлик алоқаларининг ўрни тадқиқ этилган.

Бугунги кунда халқаро муносабатларда давлат ўзининг ижобий имижини яратиши ва ривожлантириши муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам давлат ижобий имижини жаҳон миқёсида илгари суриш ва мустаҳкамлашга оид комплекс ва тизимли давлат сиёсати ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ҳамда мамлакатимизнинг янги, очиқ ташқи сиёсати Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидаги ижобий имижини ва обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон маданий соҳадаги халқаро ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш Концепциясининг III-бобида Ўзбекистон Республикасининг миллий-маданий қадриятлари ва ютуқларини чет элда тарғиб қилиш мақсадида маданий дипломатияни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, бу соҳада сўнгги йилларда юртимизда турли йўналишларда самарали фаолият олиб борилмоқда.

Диссертацияда Ўзбекистондаги этник, маданий тадбирларнинг (фестиваллар, танловлар, кўرғазмалар), хорижий сайёҳларга мўлжалланган мавсумий фестиваллар доирасини кенгайтириш, миллий мумтоз ва замонавий мусиқа, театр ва кино санъати усталари, шунингдек, Ўзбекистон ижодий жамоалари томонидан хорижда концертларни уюштирилиши, халқаро илмий алоқаларни фаол ривожлантириш, шу жумладан кўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг халқаро конференциялар, симпозиумларда маърузачилар сифатида иштирокини кенгайтириб бориши Ўзбекистонда маданий дипломатияни раванг топишига хизмат қилиши таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси тарихан қисқа вақт мобайнида ўзининг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, халқаро муносабатларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзосига айланди, ҳамда давлатлараро ҳамкорликнинг янги механизмлари ва шакллари ишлаб чиқилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон Япония ва Хитой ўртасидаги маданий алоқаларнинг жонланиши, кенг жамоатчилик вакиллари ўртасидаги шахсий мулоқотлар халқларимизнинг маънавий яқинлашувига хизмат қилиш билан бирга, Япония ва Хитойда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шаклланиши ва мустаҳкамланишига ҳам самарали таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Ўзбекистон Япония

ва Хитой халқларининг дўстлик ришталари ҳамда савдо ва маданий алоқаларининг тарихи кўҳна Буюк Ипак йўли даврига бориб тақалади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган маданий алоқалар бугунги кунда ҳам Ўзбекистон – Япония ва Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида давом этмоқда. Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг шу икки мамлакатга ташрифи алоқаларимизнинг янада ривожланишига ва мустақамланишига асос бўлди. Ўзбекистон ва Хитой ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги халқаро алоқаларни мустақамлашда маданий дипломатиянинг имкониятларидан фойдаланиш орқали халқимизнинг ўзаро яқинлашувига, бир-биримизни яхшироқ тушунишга ва шу давлатга нисбатан ижобий муносабат ҳосил бўлишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, имижнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳати Ўзбекистонда маданий дипломатиясини ривожлантиришга қаратилиши билан боғлиқ ҳисобланади. Илмий, маърифий ва маданий алоқалар бугунги кунда тенг ва тўғридан-тўғри мулоқотнинг намуналари бўлиб, бу бизнинг мамлакатимизни ижобий томондан кўриш жараёнларини яхшилашга имкон беради. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, давлатнинг имижини доимий кузатиб бориш, стратегик ва тизимли ёндашиб Ўзбекистон халқаро майдонда нуфузини яхшилашга қаратилган «юмшоқ куч» воситалари орқали маданий дипломатиядан самарали фойдаланиш муайян вақт ўтиши билан унинг аста-секин, лекин сезиларли даражада яхшиланишига олиб келади. Демак, халқаро муносабатларда маданий дипломатия орқали Ўзбекистон ижобий имижининг ривожлантирилиши мамлакатимизнинг халқаро рейтинги, сиёсий таъсири, инвесторларнинг ишончини ортишига; маҳаллий маҳсулотларнинг экспортини ўсишига, туризмнинг ривожланишига, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мустақамланишига, аҳоли ҳаёт сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

ХУЛОСА

Япония ва Хитой Халқ Республикасининг маданий дипломатияси асосида давлат ижобий имижини шакллантириш жараёнлари ва уларнинг Ўзбекистон учун аҳамиятли жиҳатларини тадқиқ этиш натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Давлатнинг ижобий имижини ҳар бир мамлакатнинг барқарор ривожланишига, жаҳонда турли мамлакатлар ўртасидаги халқаро алоқаларни мустақамлашга ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини кучайтиришга хизмат қилади. Замонавий шароитда давлатнинг халқаро алоқалар тизимидаги ўрни ва нуфузи нафақат иқтисодий ва ҳарбий ресурслар, сиёсий институтларнинг ривожланиш даражаси билан, балки маданий салоҳияти билан ҳам белгиланади. Шу сабабли, бугунги кунда маданий дипломатия ривожланган мамлакатлар олиб бораётган ташқи сиёсатининг муҳим, устувор йўналишига айланган. Маданий дипломатия оммавий дипломатиянинг бир шакли бўлиб, «юмшоқ куч» унинг воситаси ҳисобланади.

2. «Юмшоқ куч» мамлакат сиёсий имижининг жозибадорлигини ошириш ва ғоявий ҳукмронликни қўлга киритиш учун маданият ресурсларидан фойдала-

нишни кўзда тутати – шу мақсадда оммавий ахборот воситалари ва оммавий дипломатиядан фойдаланилади. Маданият муайян давлатнинг бошқа мамлакат аҳолисининг эътиборини жалб қилиш орқали қизиқишини шакллантиради, «юмшоқ таъсир кўрсатиш» учун янги имкониятлар очиб беради ва унинг ташқи рақобатбардошлигининг ўсишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, XX аср бошларига келиб, халқаро муносабатларга бағишланган илмий ишларда «маданият» омили «юмшоқ куч» муаммолари нуқтаи назаридан фаол ўрганила бошланди.

3. Маданий дипломатия Япония ва ХХР ташқи маданий сиёсатининг муҳим соҳалари сифатида: хорижда ўз миллий тили ва таълимни тарқатиш; халқаро маданий лойиҳаларни амалга ошириш; ёшлар, илмий ва бадиий алмашинувлари; мамлакатда юз берган муҳим воқеалар ва илм-фан, техника, технология, инновациялар бўйича эришилган ютуқлар тўғрисида кенг хорижий аудиторияни хабардор қилиш; асосий мақсадли аудитория сифатида – ёшлар, фан ва маданият арбобларига, медиа соҳа ходимларига эътибор қаратиш; хорижда японшунослик ва синологиянинг ривожланишига кўмаклашиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш; ривожланаётган мамлакатларга гуманитар ёрдам кўрсатиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

4. Ҳар қандай маданий «юмшоқ» дипломатиянинг заминида муайян давлатнинг ўз геосиёсий мавқеини мустаҳкамлаш, ташқи сиёсий ва иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ муҳим мақсадлар туради. Ижтимоий тараққиётнинг глобаллашув даврига келиб иқтисодий, геосиёсий жиҳатдан ривожланган давлатлар қаторига кирувчи Япония ва Хитой Халқ Республикаси ҳам бутун дунёда, энг аввало Осиё минтақасида ўзларининг мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида «юмшоқ дипломатия» стратегиясидан унумли фойдаланмоқда.

5. Япония ва ХХР ташқи маданий сиёсати стратегиялари ўхшаш бўлишига қарамай, уларнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятидан сўнг, Япония ҳукумати олдида мамлакат иқтисодиётини тиклаш билан бир қаторда, халқаро майдонда ўз ижобий имижини шакллантириш долзарб вазифага айланди. Маданий дипломатия бу борада кенг имкониятларни очиб берди. Япон дипломатиясининг «юмшоқ куч» воситасида иқтисодий ва маданий тикланиши ва ундан сўнг юксалиши, кейинчалик уни жаҳондаги иккинчи индустриал нуфузли давлат даражасига олиб чиқди. Япония ҳам аксарият замонавий ривожланган мамлакатлар каби маданий дипломатиянинг асосий йўналишларини ҳаётга муваффақиятли татбиқ этмоқда. У ўзининг нуфузли «юмшоқ куч» захираларига эга бўлиб, Америка ва Европа давлатларидан фарқли равишда, илғор тажрибалар асосида мамлакатни модернизация қилиш, жадал иқтисодий ривожланишни таъминлаш миллий маданиятининг ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда амалга ошираётганлиги унинг муҳим хусусиятидир.

6. Япония ўз миллий анъаналари ва Фарб кадриятларини ўзига хос синтез қилиш тажрибасига эга бўлиб, у глобаллашув жараёнларидан ўз анъаналарини мустаҳкамлаш учун фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун глобаллашув унинг маданияти асосларига путур етказа олмади. Бунга Япония интеллектуал элитаси томонидан бошқа мамлакатларнинг йўлини такрорламаган ҳолда глобаллашув имкониятларидан самарали фойдаланаётганлиги, кадрият ва маъноларнинг уйғунлашувига асосланган ўзига хос йўлини топишга йўналтирилган маданий

сиёсатининг шакллантирилганлиги туфайли эришмоқда. Бугунги кунга келиб, Япония ўзининг маиший техника воситалари, меъморчилик, комикс (манга), анимацион фильмлар (анимэ), мода, таом тайёрлаш, шунингдек таълим грантлари, гуманитар ёрдам фондлари орқали жаҳон мамлакатлари маданиятига муайян таъсир кўрсатмоқда.

7. Хитойда, глобаллашув шароитида маданиятга, хусусан анъанавий хитой маданиятига миллий ўзликни сақлаб қолиш воситаси сифатида қаралади. ХХР ташқи маданий сиёсати унинг ички маданий сиёсатининг давоми сифатида бош мақсад – «социалистик маданий давлат»ни қуриш ва дунёда ўзининг рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, у хитой халқининг ўқимишлилик ва ахлоқийлик даражасини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, хитой анъанавий маданиятига ворисийлик ва уни кенг тарғиб этиш тизимини яратишга йўналтирилган комплекс вазифаларни ўз ичига олади.

8. Хитойнинг маданият ва таълимга оид ташаббуслари кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда, чет тиллардаги ОАВ сони ортиб, сифати мунтазам яхшиланмоқда, матбуот анжуманлари, интервьюлар ва Оқ китобларни чоп этиш орқали сиёсатни тушунтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хитой халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб, инсонпарварлик ёрдами донори ва йирик тадбирлар ташкилотчиси сифатида намоён бўлмоқда. Хитойнинг маданий дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиб келаётганлигини бутун дунё бўйлаб хитой тили ва маданиятини тарғиб этувчи Конфуций институтлари тармоқларининг кенг тарқалганлигидан ҳам кўриш мумкин. Хитой маданий дипломатиясини амалга оширишда муайян минтақа ёки мамлакатнинг маданияти, сиёсий тизими, ривожланиш даражаси каби ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олишга интилади.

9. Хитой «юмшоқ куч» стратегиясининг еттита асосий йўналишини ажратиб кўрсатиш мумкин. Жаҳонда: 1) хитой тилини оммалаштириш; 2) анъанавий ва замонавий маданиятни тарғиб этиш; 3) таълим алоқаларини кенгайтириш; 4) иқтисодий алоқалар ва фан-техника ҳамкорлигини ривожлантириш; 5) халқаро ривожланишга кўмаклашиш; 6) халқ дипломатиясини ривожлантириш; 7) ватандошларни кўллаб-қувватлаш.

ХХР ташқи сиёсатида халқ дипломатияси воситаларидан фаол фойдаланилади. Хусусан, Хитойнинг улкан ташаббуси – «Бир макон, бир йўл» концепциясини амалга оширишдаги роли муҳимдир. Умуман олганда, глобал муаммоларни ҳал қилиш ва уйғунликдаги дунё барпо этишда анъанавий хитой кадриятларининг устуворлигига эришиш ва кенг тарғиб этилиши Хитой халқ дипломатиясининг ўзига хос хусусиятидир. Унинг илдизлари эса қадимги хитой фалсафасидаги даосизм, Конфуцийчилик ғояларига бориб тақалади.

10. Ўзбекистон, Япония ва Хитой халқларининг дўстлик ришталари ҳамда савдо ва маданий алоқаларининг тарихи кўҳна Буюк Ипак йўли давридан бошланади. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган маданий алоқалар бугунги кунда ҳам Ўзбекистон – Япония ва Ўзбекистон – Хитой ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг муҳим омили сифатида давом этмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ХХР ва Японияга расмий ташрифи иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги

ҳамкорликнинг янги тенденцияларини очиб берди. Хусусан, Ўзбекистон билан Япония ва Хитой давлатлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланиши, кенг жамоатчилик вакиллари ўртасидаги шахсий мулоқотлар халқларимизнинг маънавий яқинлашувига хизмат қилиши билан бирга, Япония ва Хитойда Ўзбекистоннинг ижобий имижини мустаҳкамламоқда.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IV боби 17 моддасида «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади» деб, кўрсатилган.

Шунга асосан, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ташқи алоқалар ўрнатиш тамойилига амал қилади. Давлатимиз халқаро муносабатларда барча масалаларни ҳал этишда, хусусан ўз маданий дипломатиясида ҳам ҳамisha миллий манфаатларимиз устуворлигига асосланади. Халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий имижини миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан бири сифатида намоён бўлиб, халқаро рақобат муҳитида барқарорлик ва ривожланишнинг ҳал қилувчи омили сифатида тушунилади.

12. Халқаро муносабатларда маданий алоқаларнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон ҳам сўнгги йилларда халқаро майдонда давлат ижобий имижини яратишда маданий дипломатияга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу муносабат туфайли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу Концепцияда белгилаб берилган вазифаларнинг ҳал этилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий юксалиши йўлида янги поғонага кўтарилишига ва Ўзбекистон имижининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда халқаро муносабатларда маданий дипломатия ролининг ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлашда Япония ва Хитой маданий дипломатияси тажрибасидан оқилона фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Диссертация мавзуси доирасида ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида қуйидаги тавсиялар шакллантирилди:

1. Ўзбекистон ва Япония, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги маданий дипломатияни янада ривожлантириш учун унинг муҳим йўналишларини қамраб олган, миллий маданият хусусиятларини ҳамда давлатимизнинг муҳим стратегик миллий манфаатларини акс эттирувчи махсус концепцияларнинг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

2. Япониянинг Ташқи ишлар вазирлиги таркибий тузилмасида маданий алоқалар бўлими мавжуд бўлиб, у япон маданий дипломатиясини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Япония Ташқи ишлар вазирлиги маданий алоқалар бўлими томонидан олиб борилаётган иш фаолиятини ва илғор тажрибасини ўрганиш таклиф этилади.

3. Ўзбекистон – Япония дўстлик жамиятининг ишини фаоллаштириш мақсадида япон ижодий зиёлилари, интеллектуал элита вакиллари: олимлар, ёзувчилар, санъаткор, режиссёр, оператор, рассом, фотограф, журналистларни Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари билан таништириш ва уларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш. Ўзбекистон – Япония дўстлик жамияти фаолияти доирасида халқларимизнинг илм-фан, таълим, маданият, техника, технология, инновацион ғоялар соҳаларида ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган яқин ҳамда узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли дастурларни тузиш ва амалга ошириш.

4. Ўзбекистонда Япония, Хитой маданият кунларини, шунингдек, Япония ва Хитойда Ўзбекистон маданияти кунларини, фестивалларини мунтазам ўтказиш анъанасини жорий этиш. Мазкур фестиваллар доирасида Япония ёки Хитойда: «Сиз Ўзбекистонни биласизми?» мавзусида викториналар уюштириш ва ғолибларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ташрифларини ташкиллаштириш.

5. Япон ҳукумати ёшлар субмаданияти ва анъанавий япон маданиятини хорижий давлатлардаги ёшларга тушунарли бўлиши ва эътиборини қозониш мақсадида манга (комикслари), анимэ (мультифильмлари) ва ёшлар модасини жозибador қилиб кўрсатишга интилоқда. Япония Ташқи ишлар вазирлиги расмий равишда поп-маданиятни ўз мамлакатининг ижобий имижини шакллантиришда дипломатик восита сифатида фойдаланиш истагини билдирган. Демак, Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантириш учун бу соҳада японларнинг илғор тажрибасини ўрганишга асос бор. Шу мақсадда анимацион мультифильмлар, кинематография, комикс (манга) яратиш бўйича япон мутахассислари билан ҳамкорлик қилиб, мазкур соҳалар бўйича Ўзбекистонда Япония университетлари филиалларини очишдир. Булар асосида эса қўшма дастурлар билан мутахассислар тайёрлаш таклиф этилади.

6. Тошкент давлат шарқшунослик университетида Япониядаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларни, шунингдек, Япониянинг халқаро майдондаги ўрни, жумладан, давлатлараро муносабатлар ва хавфсизлик муаммоларини комплекс ўрганишга йўналтирилган Японшунослик илмий-тадқиқот марказини очиш. Марказнинг асосий вазифаси япон маданияти, тарихи, дини, маънавий меросини, миллий анъаналарини, замонавий оммавий маданиятини чуқур ўрганишга қаратилади.

7. Японияда маънавий меросимиз ва миллий кадриятларимизни тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон ва Япония ўртасида қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, бунинг учун Тошкент давлат шарқшунослик университетида Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, фалсафаси, қўлёзмаларини ўрганиш учун япониялик ёшларни магистратура ва докторантурага қабул квоталарини ажратиш таклиф этилади.

8. Ўзбек миллий адабиётимиз, маданиятимизнинг ахлоқий кадриятлари японларга ва хитойликларга яхшироқ тушунарли бўлиши учун Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадисларидан намуналарни япон тилига таржима қилиб, тақдим этиш. Кейинчалик, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби

буюк олим ва мутафаккирларнинг маънавий меросини япон ва хитой тилларига таржима қилиш ҳамда тарғиб этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

9. Юртимизнинг халқаро имижини оширишда, айниқса ҳозирги «COVID-19» пандемияси шароитида, рақамли дипломатия имкониятларидан кенг фойдаланиш аҳамиятли бўлиб, Ўзбекистон тўғрисида кўп тилли ахборот каналларини яратиш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва Интернет-даги иштирокини кенгайтириш, журналистлар ва замонавий алоқа тизимининг барча иштирокчилари, айниқса глобал ижтимоий тармоқларда (блогосфера, facebook ва бошқалар) миллий маданиятимиз, кадриятларимиз, юртимизнинг жозибадор томонларини намойиш этиш орқали жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон бугунги кунда демократик кадриятларга эга, бозор иқтисодиётига асосланган ривожланган фуқаролик жамиятини кураётган дўстона мамлакат имижини яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон ўзига хос қадимий маданият, тарихий обидалар соҳиби бўлиб, шу билан бирга замонавий архитектура иншоотларига эга илғор мамлакатдир. Ҳар бир киши Ўзбекистонга ташриф буюрганида ўзи учун зарур, уни қизиқтирган соҳани топиши муҳим. Масалан, сайёҳлар учун аввало хавфсизлик, хизмат кўрсатиш сифати, гастротуризм, экотуризм, маданият ва тарихнинг қадимийлиги, академик доиралар учун – маълумот базаларидан ва архив материалларидан фойдаланиш, инвесторлар учун – мамлакатда бизнеснинг шаффофлиги ва қонун устуворлиги, халқаро журналистлар учун – сўз эркинлиги, халқ ва ҳукумат билан алоқаларга эга бўлиши шулар жумласидандир. Шулардан келиб чиқиб, хорижий сайёҳларни жалб этувчи соҳаларнинг тегишли инфраструктураларини ривожлантириш зарур. Шунингдек, бугунги «COVID-19» пандемияси шароитида мамлакатимизга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида соҳа мутахассислари учун хавфсиз туристик хизматлар кўрсатиш билим ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган махсус ўқув курсларининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

10. Юртимиз брендининг мазмуни ва моҳияти миллий ғоямизга мос келишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, яна бошқа омилларга, хусусан инсон эътиборини жалб этиб, ром қила оладиган логотип, ранг, визуал шакл, сўз, оҳанг жозибадорлиги ва ҳоказолардан самарали фойдаланишга эътибор қаратилиши керак. Бундан ташқари, мамлакатнинг ички ва ташқи имижини бири-бирига мос келишини, уларнинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш ҳам муҳимдир.

Ҳар бир вилоят маданий ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўз брендини яратиши ва уни кенг тарғиб қилишга интилиши лозим. Умуман олганда, Ўзбекистоннинг миллий бренди концепциясини яратиш ушбу йўналишдаги фаолиятни тизимлаштиришга хизмат қилади.

11. «Оммавий коммуникация», «жамоатчилик билан алоқалар» (PR), «имижелогия», «миллий бренд», «маданий дипломатия» соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратилиши лозим. Шунингдек, ўқув юртиларида «Имижелогия» курсидан ўқувчи ва талабаларга таҳсил берилиши ҳам уларда ижобий имижини шакллантириш кўникмаларини ҳосил қилиш орқали жамиятнинг, давлатнинг ижобий имижини ривожлантиришга эришиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.SS/TAR.21.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

КАСИМОВА ЗИЛОЛА ГУЛОМИДДИН КИЗИ

**ФОРМИРОВАНИЕ ПОЗИТИВНОГО ИМИДЖА ГОСУДАРСТВА НА
ОСНОВЕ КУЛЬТУРНОЙ ДИПЛОМАТИИ
(на примере опыта Японии и Китайской Народной Республики)**

**23.00.04 – Международные отношения, политические проблемы
мирового и регионального развития**

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание степени доктора философии
(PhD) по политическим наукам

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по политическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Ss94.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете востоковедения.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) на веб-странице Научного совета www.tsuos.uz и Информационно-образовательном портале www.ziyounet.uz

Научный консультант: Джумаев, Рустам Зиятович
доктор политологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Жўраев Нарзулла Касимович
доктор политологических наук, профессор
Умаров Хайрулла Пайзуллаевич
кандидат политических наук, доцент

Ведущая организация: Университет журналистики и массовых коммуникаций

Защита диссертации состоится «___» «_____» 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.SS/TAR.21.02 при Ташкентском государственном университете востоковедения по адресу: 100070, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета востоковедения (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100070, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 25. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(Протокол реестра рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года).

Э.С. Султонова
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор политических наук, профессор

А.Н. Назаров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней доктор философии по политическим наукам (PhD)

Н.А. Касимова
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор политических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке на международной арене фактор культуры в мировой политике как «мягкая сила» оказывает существенное влияние на социально-экономические процессы и международные отношения. В связи с этим различные страны стали уделять особое внимание своей культурной дипломатии в формировании положительного имиджа. Потому что, культурная дипломатия как инструмент внешней политики способствует укреплению положительного имиджа государства на международной арене, установлению дружеских и культурно-гуманитарных связей между государствами, общественными организациями и людьми, популяризации содержания и сути достижений страны за рубежом, налаживанию межгосударственного сотрудничества. Позитивный имидж страны – это масштабная многоплановая проблема, он формируется методами культурной дипломатии как важный фактор успешности и отражает уровень жизни населения, притягательность культуры страны, открытость миру, гостеприимство, развитие контактов в сфере культуры, образования, науки и техники, спорта и др.

В условиях процветания науки и технологий, либерализации торговли, интеграции социальных, экономических и политических процессов в мире развитые страны в своих внешнеполитических стратегиях пытаются использовать «мягкую силу» в формировании имиджа государства на основе культурной дипломатии. В частности, Япония и Китай, входящие в число развитых стран мира, на протяжении всего исторического развития сумели сохранить свою национальную идентичность, национальную культуру и при этом сумели использовать достижения западной цивилизации. В этой связи важно изучить опыт культурной, политической и экономической модернизации, проведенной в Японии и Китае, использовать его разумно и творчески.

Сегодня одной из важных задач в формировании положительного имиджа государства в международных отношениях Узбекистана посредством культурной дипломатии является изучение методологии его реализации. Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев указал: «Необходимо укрепление культурно-гуманитарных связей, отношений дружбы и добрососедства между нашими государствами и народами. Мы выступаем за продолжение активного культурно-гуманитарного диалога, регулярное проведение дней культуры и творческих мероприятий в наших странах, развитие образовательного и туристического обменов как важнейших инструментов «народной дипломатии»»¹ Формирование положительного имиджа государства в международных отношениях Узбекистана посредством культурной дипломатии следует признать одной из важных задач политических наук, а изучение методологии ее реализации – актуальной научной проблемой.

¹ Мирзиёев Ш.М. Одобрение народа – высшая оценка нашей деятельности. – Ташкент: Ўзбекистон, 2018, – С. 197.

В 2019 г. Постановлением Президента Республики Узбекистан разработан проект Концепции² по укреплению позитивного имиджа Республики Узбекистан на международной арене. Вышел Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», направленный на обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности, укрепление независимости и суверенитета Узбекистана. Отмечена необходимость создания атмосферы безопасности, стабильности и добрососедства, укрепления международного имиджа нашей страны.³ Выбор темы данного исследования обусловлен необходимостью выполнения задач, изложенных в этих документах и других нормативных актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В нашей стране расширяется круг научных исследований и научных публикаций, посвященных изучению международной деятельности независимого Узбекистана в области политологии. Историческое значение обретения Узбекистаном независимости, приоритеты и основные принципы межгосударственных отношений, задачи внешней политики и экономической стратегии, методологические основы процесса международного сотрудничества содержатся в докладах и выступлениях Президента Узбекистана Ш.М. Мирзиёева⁴.

Анализом конкретных аспектов по выбранной нами теме занимались ученые: Р.З. Джумаев, Н.К. Джураев, С.А. Джураев, У.Ю. Идиоров, А.М. Касимов, Н.А. Касимова, Р.Ф. Фармонов, А.А. Шарапов⁵ и др. Особенности интеграции

² Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси (бета-версия). URL: <https://regulation.gov.uz/uz/document/10375>

